



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين والصلاة والسلام على سيدنا ونبينا محمد الأمين ، وعلى آله وصحبه أجمعين، أما بعد

ДИНИМИЗДА ҚЎШНИЧИЛИК ҲАҚЛАРИ

Мухтарам жамоат! Инсон ҳаёти давомида жамиятдан ажралиб кун кечира олмайди. Атрофдагилар билан турли ижтимоий алоқалар ўрнатади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам оила, маҳалла ва жамият ичида бўлади. Табиийки, ҳаёти давомида унинг атрофдагиларга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари пайдо бўлади. Мана шундай ҳуқуқлардан бири қўшничилик ҳаққи бўлиб, унга динимизда алоҳида эътибор берилган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда Ўзига ибодат қилиш ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмасликка буюрганидан кейин, бир қанча тоифаларга яхшилик қилишга буюради. Ўша кишилар ичида қўшнилар ҳам зикр қилинган. Ояти каримада шундай дейилади:

وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَاكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا

яъни: “Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни-ю бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилингиз)! Албатта, Аллоҳ кибри ва мақтанчоқ кишиларни севмайди” (Нисо сураси 36-оят).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

﴿مَا زَالَ يُوصِينِي جِبْرِيلُ بِالْجَارِ، حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورَثُنِي﴾. (رواه الامام البخاري عن عائشة رضي الله عنها)

яъни: “**Жаброил мени доим қўшни ҳақида яхшиликка буюрганидан, уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйладим**” (Имом Бухорий ривоятлари).

Гоҳида қўшниларнинг ҳолидан ғафлатда қоламиз, уларни ҳолидан хабар олмаймиз, ваҳоланки, энг аввало улар учун бизнинг зиммамизда бир қанча ҳақлар бор: кўрганда салом бериш; маслаҳат сўраса, тўғриси айтиш; акса урса, жавоб қайтариш; касал бўлса, зиёрат қилиш; вафот этса, жанозасига қатнашиш ва ҳоказолар.

Улуғ саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анху айтадилар: “*Бир пайтлар ўз динор ва дирҳамига муслмон биродаридан кўра ҳақли эмас эдик. Ҳозир*

эса муслмон биродаримиздан кўра динор ва дирҳамларимиз бизга севимли бўлиб қолди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан эшитганман:

﴿كَمْ مِنْ جَارٍ مُتَعَلِّقٍ بِجَارِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ، يَقُولُ : يَا رَبِّ ، هَذَا أَعْلَقَ بَابَهُ دُونِي ، فَمَنْعَ مَعْرُوفَهُ﴾ (رواه الامام البخاري)

яъни: **“Қиёмат куни қанчадан-қанча кўшнилар борки, кўшнисига ёпишиб олиб: “Эй, Раббим! У мени юзимга эшигини ёнди, яхшилигидан махрум қилди”, дейди”, – деганлар”** (Имом Бухорий ривоятлари).

Абу Шурайх ал-Хузоййдан ривоят қилинади, Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар:

﴿مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُحْسِنِ إِلَى جَارِهِ﴾ (رواه الامام مسلم)

яъни: **“Ким Аллоҳга ва Охират кунига имон келтирган бўлса, кўшнисига яхшилик қилсин!”** (Имом Муслим ривоятлари).

Кўшнилар ўртасидаги яхшиликнинг бир кўриниши – ҳайитларда, қувончли кунлар ва муносиб вақтларда ўзаро ҳадя алмашишдир. Муҳими – кўшнининг ҳадяси нима бўлса ҳам, уни кам кўрмаслик керак бўлади. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар, Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай дедилар:

﴿يَا نِسَاءَ الْمُسْلِمَاتِ لَا تَحْقِرَنَّ جَارَةَ لِحَارَتِهَا وَلَوْ فَرِسَنَ شَاةٍ﴾ (رواه الامام مسلم)

яъни: **“Эй, муслима аёллар! Кўшни кўшнининг ҳадясини паст санамасин, агарчи кўйнинг туюғи бўлса ҳам”** (Имом Муслим ривоятлари).

Оиша онамиз Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўрадилар: **“Икки кўшнимнинг қайси бирига ҳадя берай?”** У Зот алайҳиссалом: **“Эшиги яқинига”**, – дедилар (Имом Бухорий ривоятлари). Бу билан ён кўшнининг ҳаққи ўзгаларникидан кўпроқ бўлишини эслатиб қўйдилар.

Ўзаро таом улашиш ҳам кўшнига яхшилик қилишдандир. Абу Зарр разияллоҳу анҳу айтадилар: **“Суюкли Пайғамбарим менга буюрганлар:**

﴿إِذَا طَبَخْتَ مَرَقًا فَأَكْتِزِ مَاءَهُ، ثُمَّ انْظُرْ أَهْلَ بَيْتِ مَنْ جِيرانِكَ، فَأَصْبِهُمُ مِنْهَا بِمَعْرُوفٍ﴾ (رواه الامام مسلم)

яъни: **“Шўрва қайнатсангиз, сувини кўпайтиринг, сўнгра кўшнилариингиз аҳлига қараб, яхшилик-саховат билан ундан сузиб беринг”** (Имом Муслим ривоятлари)

Ўзига тўқ кўшнилар ҳеч қачон қийналган кўшнилари эътиборсиз ташлаб қўймаслиги керак. Кўшнилар зарурий таом ва кийим кечак каби нарсаларга муҳтож бўлиб қолишса, албатта, уларга ёрдам қўлини чўзиш зарур. Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

﴿مَا آمَنَ بِي مَنْ بَاتَ شَبَعَانَ وَجَارَهُ جَائِعٌ إِلَى جَنْبِهِ وَهُوَ يَعْلَمُ بِهِ﴾ (رواه الامام الطبراني)

яъни: **“Ён кўшнисини оч эканини билиб туриб, тўқ ҳолида тунни ўтказган киши менга имон келтирмабди”** (Имом Табароний ривоятлари).

Мусибат бўлган хонадон аҳлини қариндош ва кўшнилар таом билан йўқлаши ҳам – динимиздаги гўзал суннатлардандир. Жаъфар разияллоҳу анҳу вафот этганларида Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай деганлар:

﴿اصْنَعُوا لِأَلِ جَعْفَرٍ طَعَامًا فَإِنَّهُ قَدْ أَتَاهُمْ أَمْرٌ شَعَلَهُمْ﴾ (رواه الامام أبو داود عن عبد الله بن جعفر).

яъни: **“Жаъфарнинг оиласига таом тайёрланглар, уларнинг бошига машғул қилувчи оғир иш тушди”** (Имом Абу Довуд ривоятлари).

Динимиз кўшниларга яхшиликка буюриш билан бирга, уларга озор беришдан қайтаради. Бу ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай дейдилар:

﴿مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، فَلَا يُوْذِ جَارَهُ﴾ (رواه الامام مسلم عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: **“Ким Аллоҳ ва Охират кунига имон келтирган бўлса, кўшнисига озор бермасин!”** (Имом Муслим ривоятлари).

Аслида ўзгага ноҳақ азият бериш ҳаром амаллардан, лекин кўшнига азият беришнинг гуноҳи унданда каттадир. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўрадим:

﴿أَيُّ الذَّنْبِ عِنْدَ اللَّهِ أَكْبَرُ، قَالَ: أَنْ تَجْعَلَ لِلَّهِ نِدًّا وَهُوَ خَلَقَكَ قُلْتُ: ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: ثُمَّ أَنْ تَقْتُلَ وَلَدَكَ حَشِيَّةً أَنْ

يَطْعَمَ مَعَكَ قُلْتُ: ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: أَنْ تُزَايِيَ بِحَلِيلَةِ جَارِكَ ...﴾ (رواه الامام البخاري)

“Аллоҳнинг наздида энг ёмон гуноҳ қайси?”. **“Сизни яратган ҳолида Аллоҳ таолога ўзгани шерик қилишингиз”**, – дедилар. **“Кейин қайси бири?”** – дедим. У Зот алайҳиссалом: **“Сиз билан бирга таомланишидан (яъни, камбагалликдан) кўрқиб фарзандингизни ўлдиришингиз”**, – дедилар. **“Кейин қайси?”** – дедим. У Зот: **“Кўшнингизни жуфти билан зино қилишингиз”**, – дедилар” (Имом Бухорий ривоятлари).

Ҳадиси шарифда кўшнининг молини ўғирлаш бошқа ўн хонадондан ўғрилик қилишнинг гуноҳидан каттароқ экани айтилган. Бошқа ҳадиси шарифда шундай дейилади: **“Аллоҳ уч кишини яхши кўради, уч кишини ёмон кўради: ... Бир кишининг доим озор берадиган кўшнисини бор, уларнинг ўртасини ўлим ёки кўчиш ажратгунича, унинг азиятларига сабр қилади (уни Аллоҳ яхши кўради)...”** (Имом Аҳмад ривоятлари).

Ҳозирда айрим кўшнилар орасида ер-жой ёки бошқа масалалардаги ўзаро талашинлар оқибатида юзага келаётган хунук оқибатлар динимиз таълимотларига мутлақо зиддир. Бундай хижолатли ишларга барҳам бериш учун кўшнилар ўзаро келишув, ҳурмат, олийжаноблик ва диёнат билан иш тутишлари керак. Шунда Аллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бўладилар, ризқларига баракот киради, ҳаётлари маъноли ва мазмунли кечади. Ҳар куни уруш жанжал бўлган жойда барака, хотиржамлик ва кўнгилхушлиги бўлмайди.

Айниқса ўзганинг ерини зулм билан ўзлаштириб олишнинг жазоси қаттиқ бўлади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай деганлар:

﴿مَنْ اقْتَطَعَ شِبْرًا مِنَ الْأَرْضِ ظُلْمًا ظَوَّفَهُ اللَّهُ إِيَّاهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ سَبْعِ أَرْضِينَ﴾ (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ رَوَى عَنْ سَعِيدِ بْنِ زَيْدٍ).

яъни: **“Ким зулм билан бир қарич ерни эгаллаб олса, Аллоҳ таоло Қиёмат куни ўша ерни етти қават ерни остигача бўйнига осиб кўяди”** (Муттафақун алайҳ).

Ҳасанул Басрий айтидилар: **“Яхши кўшничилик – фақат ёмонлик қилишдан тийилиш эмас, балки кўшнидан етган азиятга сабр қилишидир”**.

Хатиб Бағдодий ривоят қиладилар: “Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг бир маҳсидўз кўшнисини бор эди. Куни билан ишлар, кечки пайтлар олиб келган таомларини еб, май ичиб, сархуш бўлиб: “Улар мени қадримга етишмади, қандай ҳам йигитни бой бердилар...”, деган байтни ухлаб қолгунча такрорларди. Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг одатлари кечалари билан намоз ўқиш эди. Кўшнининг овозини ҳар куни эшитардилар. Бир куни овози эшитилмай қолди. Сўраб суриштирсалар, уни қамаб қўйишибди. Бомдод намозини ўқигандан кейин,

хачирларига миниб, амирнинг хузурига кирдилар. Амир хурмат билан кутиб олди ва ҳожатларини сўради. У зот: “*Бир этикдўз қўшим бор эди, қамаб қўйишибди, шуни озод қилишса...*”, – дедилар. Амир ўша кундан бери қамалганларнинг барчасини озод қилди. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ уловда, маҳсидўз пиёда бирга уйларига қайтишди. Етиб келишгач, Абу Ҳанифа унинг ёнига бориб: “*Эй, йигит! Сизнинг қадрингизга етмадикми?!*” – дедилар. У: “Йўқ, аксинча, химоя қилдингиз, ғамхўрлик қилдингиз. Қўшничилик хурмати ва ҳаққа риюя қилганингиз учун Аллоҳ сизни яхшилик билан мукофотласин” – деди. Шундан кейин у киши тавба қилиб, ножўя ишларини тарк қилди” (“Тарихи Бағдод” китоби).

Халқимизда “*Қўшнинг тинч, сен тинч*” деган нақл бор. Яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш – давлатимиз олиб бораётган хайрли ишлардан биридир. Айниқса, биз билан чегарадош халқлар билан қадимдан қуда-анда бўлиб келганмиз. Динимиз, тарихимиз, маданиятимиз ва урф одатларимиз – бир хил. Ҳозир ҳам ўзаро маданий-иқтисодий алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Бу ишлар ҳам – давлатимизда айни динимиздаги яхши қўшничилик алоқаларини ҳаётга татбиқ қилишдир.

Хурматли жамоат! Алҳамдулиллаҳ, қишдан чиқиб, экин-тикин мавсумига ҳам саломат етиб келдик. Албатта, деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланиш халқимизга мўл-кўл ризқ келтиради, ҳалол ризқ топиш мақсадида меҳнат қилганлар катта савобларга ҳам эришадилар.

Деҳқончилик башарият учун зарур бўлган касблардан. Усиз инсон ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади: “**Ўлик (кўрик) ер улар учун (қайта тирилишга) бир аломатдир, Биз уни (сув билан) тирилтирдик ва ундан (турли) донларни ундириб чиқардик. Бас, улар ундан емоқдалар. Яна Биз унда (ерда) хурмозор ва узумзор боғларни (пайдо) қилдик ва у ерда булоқларни оқизиб қўйдик. Токи (одамлар) мевасидан есинлар. Ҳолбуки, у (мевалар)ни ўз кўллари (билан) қилмаган эдилар. Ахир шукр қилмайдиларми?!**” (Ёсин сураси 33-35-оятлар).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом деҳқончилик ва кўчат ўтқозишга жуда кўп тарғиб этганлар. Масалан, бир ҳадиси шарифларида: “**Агар Қиёмат қойим бўлиб қолсаю, қайси бирингизнинг кўлингизда экаман деб турган кўчат ниҳоли бўлса, уни экишга улгурса, экиб қўйсин**”, – деб марҳамат қилганлар (Имом Аҳмад ривоятлари).

Бошқа бир ҳадиси шарифларида эса: “**Бирон-бир мусулмон кишиси бир дарахт ўтқазса ёки бир нарса экса, ундан қуш ёки инсон тановул этиб, манфаатланса, шу сабабдан у киши эҳсон қилганлик савобига эришади**” (Муттафақун алайх).

Бу ҳадиси шарифлардан кўчат ёки экиндан фойда келиб турса, ўша инсон вафот этиб кетган бўлса ҳам, унга Қиёматгача савоб бориб туриши билдирилмоқда.

Шундай экан, ҳаммамиз ўзимиз яшаб турган жойларга, маҳаллаларга турли дарахт кўчатларини экиб, обод қилсак, бундан нафақат инсонлар, балки ҳайвонлар ва қушлар манфаат топса ҳам, савоб ҳосил бўлаверади.

Аллоҳ таоло барчамизга чиройли қўшничилик алоқаларини ўрнатиш ва кўшнилар билан тинч-тотув, аҳил яшашни насиб айласин! Омин!

Келаси жума маърузаси “Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш одоби” ҳақида бўлади, иншааллоҳ.